

**«КАПИТАЛБАНК» АТБ КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ
ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ИМКОНИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР АРИЗАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ
ТАРТИБИ**

МУНДАРИЖА

<u>I БОБ.</u>	<u>УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</u>	<u>3-4</u>
<u>II БОБ.</u>	<u>АРИЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ</u>	<u>4-5</u>
<u>III БОБ.</u>	<u>АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ</u>	<u>6</u>
<u>IV БОБ.</u>	<u>МОЛИЯВИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР, МУРАККАБ ҲАЁТИЙ ВАЗИЯТЛАР ВА ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧ ҲОЛАТЛАРИ РЎЙХАТИ</u>	<u>6-7</u>
<u>V БОБ.</u>	<u>АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БОҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ</u>	<u>7-9</u>
<u>§ I.</u>	<u>КРЕДИТ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ КЕЧИКТИРИШ ЁКИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ИМКОНИАТИ БЎЙИЧА</u>	
<u>§ II.</u>	<u>ФОИЗ СТАВКАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЖАРИМА ВА ПЕНЯЛАР ҲАЖМИНИ КАМАЙТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ИМКОНИАТИ БЎЙИЧА</u>	
<u>VI БОБ.</u>	<u>КРЕДИТ ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ</u>	<u>9-10</u>
<u>VII БОБ.</u>	<u>ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР</u>	<u>10-11</u>

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур АКБ «Капиталбанк»да кредит шартномаси шартларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш имконияти тўғрисидаги истеъмолчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби (кейинги ўринларда — «Тартиб») Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги № 16/18-сонли қарори билан тасдиқланган «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банклари фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами № 3030, 2018 йил 2 июль), Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига, АКБ «Капиталбанк» Уставига (кейинги ўринларда — «банк»), банкнинг Кредит сиёсатига ҳамда банкнинг Муаммоли активлар билан ишлаш сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб молиявий аҳволи оғирлашган, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган, шунингдек енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) сабабли кредит бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишда қийинчиликларга дуч келган истеъмолчиларнинг амалдаги кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (реструктуризация) имконияти тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат — паспорт, ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома, Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқаролар учун берилган яшаш гувоҳномаси;

Қарздор (Истеъмолчи) — кредит шартномаси бўйича мажбуриятларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний (шу жумладан ўзини ўзи банд қилган) ёки мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар;

Ариза — Қарздорнинг амалдаги кредит шартномаси шартларига тўғрисида бундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга асос бўлган сабабларни кўрсатган ҳолда банкка ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилган мурожаати;

Кредит шартномаси — кредит, микроқарз, микрокредит тақдим этиш бўйича амалдаги шартнома;

Алоҳида бўлинма — банкнинг Ягона филиалнинг исталган смартбанки/ банк хизматлари офиси / мини-банки;

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) — Қарздор ва Банк иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган ҳолатлар сабабли юзага келган шароитларда томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш имкониятини бермайдиган фавқулудда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар (форс-мажор);

Мониторинг бўлинмаси — филиалларнинг исталган мониторинг бўлимларидан бири, Қарздорликни ундириш департаментининг тегишли бўлинмалари;

Кредитни реструктуризация қилиш — амалдаги кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан кредит бўйича тўлов муддатларини кечиктириш ёки узайтириш, кредит бўйича фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиш, кредит шартномаси бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун ҳисобланган жарима ва пенялар миқдорини камайтириш;

Банкнинг ваколатли органлари — Акциядорларнинг умумий йиғилиши / Ягона акциядор, Банкнинг Кузатув кенгаши, Банк Бошқаруви, Банк Бошқаруви ҳузуридаги Кредит қўмиталари, банк филиаллари / смар-банкларининг Кредит қўмиталари;

Филиал — банкнинг ҳар қандай филиали (Ягона филиалдан ташқари), Амалиёт бошқармаси, Марказий амалиёт бошқармаси, банкнинг исталган Банк хизматлари маркази (БХМ).

II. АРИЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

4. Молиявий аҳволи оғирлашган, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган, шунингдек енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари сабабли кредит бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишда қийинчиликларга дуч келган Қарздорлар амалдаги кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконияти тўғрисида банкка ёзма ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Аризалар банкка тақдим этилган ёки келиб тушган куни банкнинг ички қодаларига мувофиқ рўйхатга олинади.

6. Қарздор аризани мустақил равишда тақдим этишга, шунингдек бу ваколатни ўз вакилига беришга ёки аризани почта алоқаси воситалари орқали ёхуд электрон шаклда юборишга ҳақлидир. Аризалар Қарздор танловига кўра давлат тилида ёки бошқа тилларда тақдим этилиши мумкин. Қарздорнинг ваколатли вакили орқали ариза берилган тақдирда, мазкур вакил банкка шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни ва/ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган ишончномани тақдим этиши шарт.

7. Почта алоқаси воситалари орқали юбориладиган аризалар банкнинг расмий веб-сайтида кўрсатилган манзиллар бўйича банк филиаллари/смар-банклари ёки банкнинг бош офиси манзилига юборилади.

8. Электрон шаклдаги аризалар банкка қуйидаги алоқа каналлари орқали юборилиши мумкин:

а) банкнинг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинет орқали;

б) банкнинг интернет-банкнинг тизими ва/ёки мобил иловасидаги шахсий кабинети орқали.

9. Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

а) жисмоний шахс учун — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, реструктуризация қилиш учун асос бўлган ҳолат ёки вазиятнинг батафсил тавсифи, шунингдек кредит шартномаси шартларига киритилиши мумкин бўлган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг тури;

б) юридик шахс учун — юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар, реструктуризация қилиш учун асос бўлган ҳолатларнинг батафсил тавсифи, шунингдек кредит шартномаси шартларига киритилиши мумкин бўлган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг тури.

Бунда ёзма шаклда тақдим этилган аризалар мурожаат қилган жисмоний шахснинг имзоси ёки юридик шахс номидан мурожаат қилаётган ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланиши, юридик шахс мухри мавжуд бўлган тақдирда эса мухр билан муҳрланиши шарт.

10. Аризага мажбурий тарзда илова қилинадиган зарур ҳужжатлар (маълумотномалар) рўйхати:

а) жисмоний шахслар учун:

- Қарздорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- гаров/таъминот нарасига нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;
- Қарздорнинг даромадларини тасдиқловчи маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар, мазкур Тартибнинг 19-бандида кўрсатилган қийинчилик ҳолатлари бундан мустасно;
- оғир молиявий аҳвол, мураккаб ҳаётини вазият ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумотнома, далолатнома, хулоса);
- аризани кўриб чиқиш учун банк сўровига кўра талаб этиладиган қўшимча ҳужжатлар.

б) яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун:

- таъсисчиларнинг баённомаси/қарори (фақат юридик шахслар учун);
- бизнес-режага киритилган ўзгартишлар (раҳбар томонидан тасдиқланган асл нусха), шу жумладан электрон шаклда;
- молиявий ҳисоботлар;
- гаров қўювчилар ва кафилларнинг киритилаётган ўзгартишларга розилиги;
- тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, молиявий мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотлар: берилган кафолатлар, олинган кафолатлар, кредитлар, пост-молиялаштириш опциясига эга аккредитивлар;
- бошқа ташкилотларнинг устав капиталидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;
- банклардан (АКБ «Капиталбанк»дан ташқари) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотномалар:
 - №2 картотека мавжуд эмаслиги тўғрисида;
 - ҳисобварақлардаги қолдиқлар;
 - муддатли ва муддати ўтган ссуда қарздорлиги, олинган кафолатлар, лизинг, пост-молиялаштириш опциясига эга аккредитивлар мавжудлиги ёки қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида;
 - муражаат санасидан олдинги сўнгги 12 ой давомидаги пул айланмалари;
- яқка тартибдаги тадбиркорлар учун — оғир молиявий аҳвол ёки мураккаб ҳаётини вазиятни, юридик шахслар учун — енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- аризани кўриб чиқиш учун банк сўровига кўра талаб этиладиган қўшимча ҳужжатлар.

11. Банк Қарздорнинг аризасига кўра Қарздор томонидан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлардан ёки бошқа маълумотлардан амалдаги кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқишда фойдаланиш

хуқуқига эга. Бунда банк ушбу маълумотларнинг ишончилигини текшириш бўйича чоралар кўради.

12. Қуйидаги аризалар кўриб чиқилмайди:

а) жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган, аммо уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган аризалар;

б) кўриб чиқиш учун мазкур Тартибнинг 10-банди талабларига мувофиқ зарур ҳужжатлар илова қилинмаган аризалар;

в) кредит шартномаси шартларини реструктуризация қилиш учун асос сифатида кўрсатилган ҳолатлар ҳаққонийлигини текшириш жараёнида тасдиғини топмаган аризалар;

г) мазкур Тартиб билан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган аризалар.

III. АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

13. Аризаларни кўриб чиқиш муддатлари улар банкка келиб тушган кундан эътиборан ҳисобланади. Агар кўриб чиқиш муддатининг охириги куни дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, тугаш муддати сифатида кейинги иш куни ҳисобланади.

14. Ариза мазкур Тартибда назарда тутилган тўлиқ ҳужжатлар тўплами илова қилинган ҳолда банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатлар сўраш талаб этилган тақдирда эса — бир ойгача бўлган муддатда.

15. Амалдаги кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор банкнинг тегишли Ваколатли органи томонидан банкнинг Кредит сиёсатига ва/ёки муаммоли активлар билан ишлаш сиёсатига мувофиқ белгиланган лимитлар ва чекловлар доирасида қабул қилинади, агар алоҳида кредит маҳсулотлари паспортларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса

16. Банкнинг ваколатли органи томонидан аризаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақида Қарздор қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш куни ичида почта алоқаси воситалари орқали ёки Қарздорнинг ўзига бевосита ёзма шаклда жавобни топшириш ва имзо қўйдириш орқали хабардор қилинади.

17. Амалдаги кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ариза берувчига рад этиш сабаблари асосланган ҳолда кўрсатилган жавоб хати юборилади. Мазкур жавоб хати қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

а) рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилган амалдаги ҳолатлар;

б) аниқланган қоидабузарликлар ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар (агар уларни бартараф этиш имкони мавжуд бўлса);

в) рад этиш сабаблари бартараф этилгандан сўнг ариза берувчининг қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар.

18. Ариза бўйича жавоб хати имконият даражасида мурожаат тилида баён этилади. Қарздорга жавоб хати юборилган кун аризани кўриб чиқиш яқунланган кун ҳисобланади.

IV. МОЛИЯВИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР, МУРАККАБ ҲАЁТИЙ ВАЗИЯТЛАР ВА ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧ ҲОЛАТЛАРИ РЎЙХАТИ

19. Кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш учун асос бўладиган молиявий қийинчиликлар рўйхати қуйидагилардан иборат:

а) қонунчиликда белгиланган тартибда Қарздорнинг икки ойдан ортиқ муддатга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз деб топилиши;

б) Қарздор билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ва уни маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинishi;

в) аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиши.

Мазкур бандда кўрсатилган молиявий қийинчиликларни тасдиқловчи ҳужжат сифатида, тегишли кичик бандлар учун мос равишда: меҳнатга лаёқатсизлик варақаси; иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи; иш берувчининг ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиш тўғрисидаги буйруғи, шунингдек маҳаллий меҳнат органи томонидан берилган маълумотнома ҳисобланади.

20. Кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш учун асос бўладиган мураккаб ҳаётий вазиятлар рўйхати қуйидагилардан иборат:

а) Қарздорнинг биргаликда қарз олувчи ёки кафил бўлган турмуш ўртоғининг вафоти;

б) Қарздорнинг I ёки II гуруҳ ногиронларини қарамоғига олиши ёки унинг қарамоғида бўлган I ёки II гуруҳ ногиронлар сонининг кўпайиши;

в) Қарздорга I ёки II гуруҳ ногиронлик белгиланиши.

Мазкур бандда кўрсатилган мураккаб ҳаётий вазиятларни тасдиқловчи ҳужжат сифатида тегишли кичик бандларга мувофиқ равишда ўлим ҳақидаги гувоҳнома; туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори (қарамоғига олишни белгилаш ва Қарздорни васий этиб тайинлаш тўғрисида) ҳамда ваколатли орган томонидан берилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

21. Оқибатлари Қарздорнинг мол-мулкига зарар етказган ва кредит шартномаси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш учун асос бўладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари рўйхати қуйидагилардан иборат:

а) табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик, тошқин ва бошқалар);

б) техноген ҳалокатлар (ёнғинлар, портлашлар ва бошқалар).

Қарздорнинг мол-мулкига зарар етказган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжат сифатида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бўлинмаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан берилган маълумотномалар, далолатномалар ва хулосалар ҳисобланади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган Қарздор учун енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июлдаги №231-сонли қарорига мувофиқ Савдо-саноат палатаси раиси томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган сертификат ҳисобланади.

V. АРИЗАЛАРНИ ҚЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

22. Мазкур Тартибнинг 19–21-бандларида кўрсатилган ҳолатлар Қарздор томонидан кредит шартномаси бўйича тўловларни тўлаш муддатини кечиктириш ёки узайтиришни тақдим этиш тўғрисида банкка ариза билан мурожаат қилинган санадан олдинги тўрт ой давомида мавжуд бўлган бўлиши керак.

23. Шартлари ўзгартирилган кредитларни таснифлаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилади.

§1 КРЕДИТ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ КЕЧИКТИРИШ ЁКИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ИМКОНИАТИ БЎЙИЧА

24. Аризаларни кўриб чиқиш мезонлари:

а) аризалар мазкур Тартибнинг 2-боби талабларига мувофиқ бўлиши шарт;

б) таъминот етарлилиги ва бутлиги;

в) жисмоний шахслар (шу жумладан ўзини ўзи банд қилган шахслар) қарз юки ҳамда қарзнинг даромадга нисбати кўрсаткичлари мазкур кўрсаткичлар учун амалдаги қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак;

г) юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар бўйича пул оқими етарлилиги банкнинг ички қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши шарт;

д) банк кредит шартномасининг амал қилиш муддати давомида биринчи марта тўлов муддатини кечиктираётганлиги ёки тўлов муддатини узайтираётганлиги;

е) оғир молиявий аҳвол, мураккаб ҳаётий вазият, шунингдек енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) сабабли кредит бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишда қийинчиликлар далили мавжудлиги;

ж) Қарздорнинг ариза бериш санасидан олдинги икки ой давомидаги ўртача ойлик даромади охириги ўн икки ой давомидаги ўртача ойлик даромадга нисбатан камида 30 фоизга камайган бўлиши (Қарздор мазкур Тартибнинг 19-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган ҳолатлар бўйича банкка мурожаат қилган тақдирда);

з) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базасида мулкий тусдаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги;

и) Қарздор кредит шартномаси бўйича тўловларни тўлаш муддатини кечиктириш ёки узайтиришни тақдим этиш тўғрисида банкка ариза билан мурожаат қилган пайтда кредит шартномаси бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги.

25. Мазкур Тартиб доирасида кредит шартномаси бўйича тўловларни тўлаш муддати қуйидаги муддатга кечиктирилиши ёки узайтирилиши мумкин:

- 6 ойгача, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиш ҳолатилари бундан мустасно;
- 10 ойгача, аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиши ҳолатида.

26. Кредит бўйича тўловларни кечиктириш вариантлари:

- асосий қарз тўловини кечиктириш;
- асосий қарз ва фоизларни тўлашни кечиктириш.

27. Кечиктиришнинг ҳар бир вариантыда кечиктирилган тўлов (фақат асосий қарз ёки асосий қарз ва фоизлар биргаликда):

а) кредитни қайтаришнинг охирига муддатига кўчирилиши мумкин, бу ҳолда кредит бўйича тўлов муддати узайтирилади.

Бунда, агар кечиктириш фақат асосий қарз суммаси бўйича берилган бўлса, кечиктириш даврида Қарздор кечиктириш берилган пайтда мавжуд бўлган асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фоизларни тўлайди, кечиктириш даври тугагандан сўнг эса асосий қарзнинг жорий қолдиғидан келиб чиққан ҳолда белгиланган жадвал бўйича тўловларни амалга оширишни давом эттиради.

Агар кечиктириш асосий қарз суммаси ва фоизлар бўйича биргаликда берилган бўлса, кечиктириш даврида Қарздор кредит бўйича ҳеч қандай тўлов амалга оширмайди. Бунда кечиктириш даври тугагандан сўнг Қарздор асосий қарзнинг жорий қолдиғидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тўлов жадвали бўйича тўловларни амалга оширишни давом эттиради. Фоизлар бўйича кечиктириш берилмаган тақдирда тўланиши лозим бўлган асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фоизлар томонларнинг келишувига кўра тўлов жадвали давомида ёки тўлов жадвалининг охирига тақсимланиши мумкин;

б) кечиктирилган тўлов суммалари кредит муддатининг бир қисмига ёки бутун муддатига мутаносиб равишда тақсимланиши мумкин, бунда ушбу даврларда кредит бўйича ойлик тўловлар миқдори ошади;

в) кечиктириш даврининг охирига кўчирилиши мумкин, яъни кечиктириш даври тугагандан сўнг Қарздор кечиктирилган тўлов бўйича қарздорликни тўлиқ қоплаши шарт.

28. Қарздор кредит шартномаси бўйича тўловларни тўлаш муддатини кечиктириш ёки узайтиришни тақдим этиш тўғрисида банкка мурожаат қилган пайтда кредит шартномаси бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, банк мазкур аризани ушбу муддати ўтган қарздорлик ва кечиктирилган тўловни мазкур Тартибнинг 27-бандида белгиланган тартибда кўчириш ёки тақсимлаш шарти билан кўриб чиқиши мумкин.

§ II. ФОИЗ СТАВКАСИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ, ЖАРИМА ВА ПЕНЯЛАР ҲАЖМИНИ КАМАЙТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ИМКОНИАТИ БЎЙИЧА

29. Аризаларни кўриб чиқиш мезонлари:

а) аризалар мазкур Тартибнинг 2-боби талабларига мувофиқ бўлиши шарт;

б) таъминлаш (таъминот) етарлилиги ва яхлитлиги;

в) оғир молиявий аҳвол, мураккаб ҳаётӣ вазият, шунингдек енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) сабабли кредит бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишда қийинчиликлар далили мавжудлиги;

г) кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни ундириш ёки қарздорликни муддатидан олдин ундириш тўғрисида тегишли Ваколатли орган томонидан қабул қилинган қарор мавжуд эмаслиги;

д) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базасида мулкӣ тусдаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги;

е) Қарздор кредит шартномаси бўйича тўловларни тўлаш муддатини кечиктириш ёки узайтиришни тақдим этиш тўғрисида банкка ариза билан мурожаат қилган пайтга

кредит шартномаси бўйича 90 календар кундан ортиқ давом этган муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги.

VI. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

30. Банкнинг ваколатли органи Қарздорнинг аризаси асосида ўз ихтиёрига кўра Қарздорга нисбатан қуйидаги реструктуризация турларидан бирини қўллаш ҳуқуқига эга:

а) кредит шартномаси бўйича тўлов муддатини кечиктириш ёки тўлов муддатини узайтириш;

б) кредит шартномаси бўйича фоиз ставкасини пасайтириш;

в) кредит шартномаси бўйича тўловларни кечиктирганлик учун ҳисобланган жарима ва пенялар миқдорини камайтириш ёки уларни бекор қилиш.

31. Қарздордан Ариза келиб тушгандан ва мазкур Тартибда назарда тутилган тўлиқ ҳужжатлар тўплами олингандан сўнг, мониторинг бўлинмаси ходими:

- таъминот (гаров)ни мавжудлиги, етарлилиги ва бутунлиги юзасидан кўздан кечиради;

- Қарздор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили/текширувини амалга оширади;

- кредит шартномаси шартларини реструктуризация қилиш учун асос бўлган ҳолатларнинг ҳаққонийлигини текширади (зарурат туғилган тақдирда жойига чиққан ҳолда);

- амалдаги кредит шартномаси муддатини узайтириш ва (ёки) кредит бўйича ойлик тўловларнинг ўртача миқдорини ошириш ҳолларида “Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлиги рўйхат рақами 3618, 22.04.2025 йилдан)га мувофиқ жисмоний шахслар (шу жумладан ўзини ўзи банд қилган шахслар) бўйича қарз юки ҳамда қарзнинг даромадга нисбати кўрсаткичларини ҳисоблайди;

- юридик шахслар бўйича барча жорий харажатларни қоплаш, қарзга хизмат кўрсатиш ва фаолиятини молиялаштириш учун пул оқимлари етарлилигини ҳисоблайди;

- банкнинг Кредит сиёсати ва/ёки Муаммоли активлар билан ишлаш сиёсати мувофиқ белгиланган тартибда банкнинг ваколатли органига кўриб чиқиш учун тақдим этиш мақсадида ҳулоса ва (ёки) билдиришнома тайёрлайди.

32. Банкнинг ваколатли органи томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг, Филиал/Алоҳида бўлинманинг мониторинг бўлинмаси ходими амалдаги шартномаларга ва бошқа тегишли ҳужжатларга қўшимча келишувлар лойиҳаларини тайёрлайди. Қўшимча келишувлар лойиҳалари Филиал/Алоҳида бўлинманинг юридик хизмати билан келишилгандан сўнг, мониторинг бўлинмаси томонидан уларни имзолаш жараёни амалга оширилади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

33. Мазкур Тартиб 2026 йил 30 январдан кучга киради.

34. Мазкур Тартибда ўз аксини топмаган масалалар банкнинг Кредит сиёсатига ва/ёки Муаммоли активлар билан ишлаш сиёсатига, банкнинг ички қоидаларига, банк Уставига ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

35. Келгусида мазкур Тартиб қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ёки Банк Уставига зид келиб қолган тақдирда, мазкур Тартибга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда банк Устави қоидаларига амал қилиниши лозим.

36. Мазкур Тартибнинг ижроси устидан назорат Корпоратив кредитлаш мониторинги департаменти, Кичик бизнесни кредитлаш мониторинги департаменти, Корпоратив кредитлаш департаменти, Кичик бизнесни кредитлаш департаменти, Чакана кредитлаш департаменти, Қарздорликни ундириш департаменти ҳамда Муаммоли активлар билан ишлаш департаменти зиммасига юкланади.

37. Мазкур Тартибга киритиладиган барча ўзгартиш ва қўшимчалар Банкнинг ички норматив ҳужжатлари учун белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим.